

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Орта қолаётган йигирма йил ичида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистон келажаги чиндан-да порлоқ эканини кўрсатди.

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Истиқлол йилларида барпо этилган ва мамлакатимиз иқтисодиётида жуда катта аҳамият касб этган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Зеро, Президентимиз мазкур корхонанинг очирилишига бағишланган тантанали маросимда "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи"нинг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихидаги на эмас, ҳар биримизнинг тарихимиз ҳолими ва тақдиримизда юз берган кутлуғ воқеаидир, дея таъкидлаганлири бежиз эмас.

— Сиз кўриб турган бу гигант корхона ҳамда унга ёндош замонавий шаҳарча ўрни бундан атиги 17-18 йил муқаддам қип-қизил саҳродан иборат эди, — дейди завод директори, техника фанлари доктори Ш. Сайдахмедов. — 1993 йилда Юртбошимиз томонидан мазкур заводни қуриш ҳақидаги қарор қабул қилинганида, баъзилар бу ишнинг амалга оширишига шубҳа билан қараганди.

Дарҳақиқат, қўш уса қаноти, одам юрса оёғи қаридан саҳро бағрида шундай йирик корхона барпо этиш қарорига келинганининг ўзи катта жасорат эди ўша пайтларда. Қўш, завод қурилиши учун нега айнан шу ҳудуд тан-

ланди? Аввало, мазкур ҳудуд ер ости хом ашё манбала-рига яқин. Қолаверса, бу ер Бухоро, Новой, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси истемолчиларининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ма-софа нуқтаи назардан анча қўлай. Яна бир жиҳати, иншоот жойлашадиган ернинг климат хусусияти, ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати, сейсмик ҳолати завод қури-лиши учун қўйиладиган та-лабларга жавоб берарди.

Бундан ташқари, заводни барпо этишда автомобиль ва темир йўл яқинлиги ҳам ҳисобга олинган эди.

Унинг бунёдкорлик иши-да мамлакатимиздаги ўнлаб корхона ва ташкилотлар бил-лан бир қаторда Франция-нинг "Текнип", Япониянинг "Марубени", "Жей-Жи-Си" каби йирик компания ва фирмалари иштирок этиш-нидан мазкур заводни қури-ш ҳақидаги қарор қабул қилинганида, баъзилар бу ишнинг амалга оширишига шубҳа билан қараганди.

Дарҳақиқат, қўш уса қаноти, одам юрса оёғи қаридан саҳро бағрида шундай йирик корхона барпо этиш қарорига келинганининг ўзи катта жасорат эди ўша пайтларда. Қўш, завод қурилиши учун нега айнан шу ҳудуд тан-

дан олиб келинди. 1996 йилда бўлгани заводнинг Минораи Калон билан бўйлашадиган миноралари тикланганди. Ушунда бу юмуш чет элдан келтирил-ган, 271 тонна юкни кўта-риш қувватига эга кранлар ёрдамида амалга оширил-ган эди.

Салкам 300 гектар май-донни эгаллаган ҳудудда қисқа муддатда соатига 100 тонна буғ ишлаб чиқаради-ган қозонхона, ўт ўчириш депоси, маъмурий бино, резервуарлар, конденсат қуйиш эстакадаси, темир йўл, алоқа тармоқлари, электр станцияси каби 300 га яқин иншоот қурилди. Заводни қўшқиларидан ҳимоя қилиш учун саксовул-зорлар барпо этилди.

— Мамлакатимизда чи-накам бунёдкор инсонлар яшар экан, — деган эди "Текнип" компаниясининг Бухоро нефтни қайта иш-лаш заводи қурилишидаги мутахассислар гуруҳи раҳ-барни Жан Клод Адам. — Биз уларнинг сабр-бардоши, ғайрат-шижоати, матонатига қўйил қолдик. Улар ёзнинг жазирама иссиғи, қиш изгиринига қарамай, қийинчиликлардан қўқмай мардонавур меҳнат қилди-лар. Бу корхона асрлар мобайнида ўзбек халқи фаровонлиги йўлида хизмат қилади, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ПУХТА ҲОЗИРЛИК ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ

сайлов жараёнларининг қонунчилигимиз талаблари асосида ўтказилишига хизмат қилмоқда

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқол-лари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайло-виг пухта ҳозирлик кўрилди. Буни жой-ларда сайлов жараёнларининг қонунчи-лик, адолат, очиқлик, ошқоралик мезонлари асосида ўтказилаётгани тасдиқлаб турибди.

Қорақалпоғистон Республикасида 363 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатиб кел-моқда. Келажақда уларнинг қандай бўли-ши, бир сўз билан айтганда, истиқбол-ли ушбу сайлов жараёнлари натижаларига бевосита боғлиқдир. Дарҳақиқат, сайлов-ларда 363 нафар фуқаролар йиғини раи-си (оқсоқол) ва уларнинг 3300 нафарга яқин маслаҳатчилари лавозимларига жой-

ларда амалга оширилаётган ишохотларни теран ҳис қилаётган, янгилинилар жара-ёнида фаол қатнашиб, эл-юртга наф кел-тирадиган номзодларнинг сайланиши му-ҳим аҳамият касб этади. Буни яхши англа-ган фуқаролар шу кунгача 37 та фуқаро-лар йиғинида ўтказилган сайловларда фаол иштирок этиб, ўзлари муносиб кўрган ном-зодларни сайладилар.

— Ушбу ижтимоий-сиёсий тadbирга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашув-чи Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси аъзоси Турғунбай Хожаназаров.

(Давоми 2-бетда).



Куни кеча Тошкентдаги "Ўзэксспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси тармоқ саноат ярмаркаси иш бошлади. Жорий йилнинг 25 — 29 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган V Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация бир-жасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилган мазкур тadbирда иқтисодиёти-мизнинг коммунал, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқлари корхона-лари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркор-лик субъектлари ўз маҳсулот-лари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда.



ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

тармоқларо ва халқаро кооперациялар ривожини таъминлайди

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу тармоқлар жадал суръатларда ривож-ланмоқда. Ярмарканинг очилиш ма-росимида сўзга чиққанлар алоҳида қайд этганидек, эришилаётган юту-қлар замирида давлатимиз раҳбари-нинг ташаббуси билан амалга оши-рилаётган изчил ишохотлар, ҳаётий дастурлар ихроси муҳасамдир.

Негаки, республикамизда иқтисоди-ётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш бўйича ҳар йили кўплаб лойиҳалар амалга оширил-моқда. Натижада импорт ўрнини бо-сувчи янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, катта миқдорда валюта иқтисод қилинмоқда. Маҳал-лийлаштирилган маҳсулотлар нафа-

қат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоригр бўлиб бораётгани, ай-ниқса, эътиборга молиқдир.

Саноат корхоналарида янги йўна-лишлар очилишида Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооп-ерация биржасининг ҳиссаси бе-кис, албатта. Сабаби, у ўтган қисқа вақт мобайнида тармоқ ичида, тар-

моқларо ва халқаро кооперация-ларни ривожлантириб, янги ҳамкор-лар топиш, қўшимча бозор йўлак-ларини очиш борасида муҳим тadb-бирга айланди. Бу гагги саноат тар-моқлари ярмаркаси иштирокчилари фаолияти билан яқиндан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

(Давоми 2-бетда).

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Републи-каси Вазирилар Маҳма-сида Президентимизнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамла-катимизда демократик и-слохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш концепциясини ах-борот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эр-кинлигини таъминлаш бо-расида амалга ошириш бўйича чора-тadbирлар туғрисида"ги фармойиши-га асосан, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни иш-лаб чиқиш комиссияси-нинг навбатдаги йиғили-ши бўлиб ўтди.

Унда жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган "Де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция-си" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конферен-ция ҳамда "Ахборот ва сўз эркинлигини янада ислох қилиш" мавзусидаги семинар натижалари кўриб чи-қилди ҳамда уларда бил-дирилган тақлиф ва муло-ҳазалар таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларида ноқ бозор иқтисодиётининг асосларини, аввало амалбор, қонунчилик базасини шакллантиришга шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда кўп тармоқли иқтисодиёт таркибига давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглиги эътироф этилгани, айниқса, Конституция ва қонунларимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилгани эътирофга молиқдир.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим омилidir

Дарҳақиқат, бугунги кун-да кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳами-ятга эга соҳа сифатида бар-қарор ривожланиб бормоқ-да. Бу, албатта, соҳага қара-тилаётган юксак эътибор, беқисс ғамхўрлик самараси-дир. Зеро, мазкур соҳани ривожлантиришнинг мақсади, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, иқтисоди-ётимизнинг барқарор ривож-ланишини таъминлаш муш-кул масала ҳисобланади. Ай-ниқса, ички бозорни рақобат-батдош ва сифатли маҳсу-лотлар билан тўдирдиш, аҳолини, аввало болор, ёшларимизни иш билан таъмин-лаш ва шу асосда уларнинг муносиб даромад топиши ҳамда турмуш фаровонлиги

юксалишида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг аҳамияти беқиссдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Президентимиз то-монидан парламент палата-ларининг 2010 йил 12 ноябр-да бўлиб ўтган қўша маж-лисидида илгари сурилган Мамлакатимизда демократ-тик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланган-дек, бугунги кунда кичик бизнес ва тadbиркорликини кенгайтириш учун бизнес-нинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлақати-мизда бизнесни ташкил қилишининг ушбу шакли бу борада юзга келган миллий анъаналаримизга, ҳўжалик

юртиш фаолиятининг мав-жуд ҳолатига тўла мос кел-ди. Шу маънода, унинг қонунчилик базаси яратилса, табиийки, иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари очилишига эриши-лади. Умуман, оилавий тadbиркорлик — эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлган ҳамда уларнинг ва оила аъзоларининг шахсий меҳна-тига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний тadbиркорлик биргаликдаги тadbиркорлик фаолиятидир. Бирок айни пайтда оилавий тadbиркорлиқнинг ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, уни оилавий корхона, яъни юри-дик шахс мақомига келти-риш зарур.

(Давоми 2-бетда).

ИДРОЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимизда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш, уларда замонавий ахборот-коммуникация технология-ларидан фойдаланган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот-кутубхона хиз-мати кўрсатиши яхшилаш, жумладан, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган "2011 — 2015 йил-лар учун ахборот-коммуни-кацион технологиялар базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмат кўрсатиши кенгайтириш сифатли ривожлантириш бўйича чора-тadbирлар туғрисида"ги қарорига асо-сан, кейинги йилларда соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-ку-тубхона фондларининг электрон нусхасини шакл-лантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ярати-ш, ахборот-кутубхона му-ассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари-ни такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастур қабул қилинди.

2011 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси-нинг "Ахборот-кутубхона фаолияти туғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг қучга кириши ахборот-кутубхона муассаса-ларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молия-лаштириш, кутубхоналар китоб фондини тўлдирди-ш, сақлаш ва улардан фойда-ланиш шарт-шароитларини кафолатлайди.

(Давоми 2-бетда).

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Кеча Тошкент ахборот технологиялари университетидида «Best Soft-Uzbekistan — 2011» дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Тadbир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуни-кация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида ахборот-комму-никация технологиялари соҳаси-ни изчил ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаш-тириш борасида кенг қўламли

ислохотлар амалга оширилаёт-ганини таъкидлади. Хусусан, Президентимизнинг Олий Маж-лис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўша маж-лисидида "Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-цепцияси" мавзусидаги маъруза-сида илгари сурилган энг муҳим

устувор йўналишлар қаторида давлат ва жамият қурилиши ти-зимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, XXI асрга бежиз ахборот асри, дея таъриф берилмаяпти. Бугун юксак техно-логиялар ҳаётимизга шу қадар жадал кириб келмоқдаки, энди-ликда уларси бирор-бир соҳа-нинг истиқболини тасаввур қилиш қийин. Қолаверса, ахбо-рот-коммуникация технологияла-

рининг шиддатли тараққиёти ту-файли вақт ва масофа ҳам ўз аҳамиятини йўқотиб бораётди. Масалан, интернет глобал тар-моқини олайлик. Унинг маълум-отларни қамраб олиш, узатиш ва қабул қилиш имконияти жу-даям кенг, тезкорлиги юқори. Дунёнинг қайсида бир ерида рўй берган воқеа ёки янгилик-дан зум ўтмай хабардор бўлиш мумкин. Умуман, ҳар қандай со-ҳага оид ахборотларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ушбу ти-зим одамларнинг яқин қўмақчи-

сига айланган. Шу боис интер-нетдан фойдаланувчилар сафи жадал кенгайиб бормоқда. Ўзе-бекистон алоқа ва ахборотлашти-риш агентлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 апрель ҳолати бўйича мамлакатимизда уларнинг сони 7,55 миллион ки-шига етган.

Бугунги кунда республикамиз-да барча давлат ҳокимияти ва бoshқаруви органлари интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга. Шунга мос равишда улар то-монидан кўрсатилаётган он-лайн

интерфаол хизматлар ҳажми из-чил кўпаймоқда. Айни пайтда веб-саҳифалар сони ҳам тобора ортиб бораётди. Масалан, 2002 йилда "Uz" доменида, бор-йўғи, 587 та сайт бўлган бўлса, ҳозир-га келиб уларнинг сони 10 минг-тага етди.

"Best Soft-Uzbekistan — 2011" дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмасида юртимиз софтвер саноатининг энг муваффақиятли лойиҳалари ҳамда маҳсулотлари намойиш этилапти. Унда маҳал-лий дастурий таъминот бозори-ни янада ривожлантиришда самарали фаолият олиб бораёт-ган 50 дан зиёд компания қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида оилавий корхонада оила бошлиги раҳбар бўлиши, шунингдек, оила аъзолари сифатида эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалар ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бунда оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда, оилавий тадбиркорликда қат-

гини ҳам қайд этиб ўтиш даркор. Шу ўринда оилавий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолияти давомида бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши қонун билан мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, улар ижтимоий сўғурта қилиниши ҳамда иш даврлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилиши, амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар,

таъминлаши, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиши, қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларини, шунингдек, 18 ёшгача бўлган шахслар ишини тартибга солишчи меҳнат қонунчилиги нормаларини таъминлаши, Пенсия жағфармасига тегишли тўловларни, шу жумладан, суғурта бадалларини белгиланган тартибда тўлаши ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида” ва “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамалари боришининг аҳоли, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар савияси, давра суҳбатлари ва конференциялар самарадорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилиши таҳлил қилинди.

Мажлисида 2011 — 2015 йилларда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги, шунингдек, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича истиқболли лойиҳалари ва дастурларни қўллаб-қувватлаш, журналист кадрларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини янада ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда улар иштирокини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар даражасида янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди, тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим омилдир

нашими мумкинлиги, 18 ёшгача бўлган шахс умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда, албатта, ўқини шарт билан қўйи-лиши айна мудиридир.

Шунингдек, қонун лойиҳасида 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатидан оилавий тадбиркорлик фаолиятда уларнинг салома-тиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шарт-шароитларида ишларда фойдаланиш тақиқланиши, бундай ишларда 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг белгиланган нормалардан орт-қча оғирликдаги юкларни кўтари-шига ва ташишига йўл қўйилмас-лиги ҳам белгиланиши лозим.

Оилавий тадбиркорликда ишловчилар, яъни оила аъ-золари доимий ишловчи ходим ҳисобланиб, улар учун меҳнат дафтарчаси яритилиши лозим бўлади. Оилавий тадбиркор-ликни амалга оширишда вақ-тинча бир марталик ишларни бажариши учун бегоналарни жалб этишга йўл қўйилмасли-

хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатла-рида белгиланган тартибда со-тиш, амалга оширилаётган фа-олиятдан олинган даромадни барча соҳилар ва бошқа маж-бурий тўловлар тўлангандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасар-руф этиш ваколатига эга бў-лиши кўрсатиб ўтилмоғи лозим. Айна чоғда оилавий бизнес ва-киллари ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (хизмат-лар, ишлар)га мустақил равиш-да нарх белгилаши ҳамда қонун ҳужжатларида белгилан-ган бошқа ҳуқуқлардан фойда-ланиши мумкин.

Шу билан бирга, қонун лой-ихасида оилавий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолияти да-вомида бир қанча мажбурият-ларга риоя этиши лозимлиги-ни ҳам кўзда тутиш керак. Ху-сусан, улар ишлаб чиқарила-ётган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)нинг лозим даражада сифатли бўлишини

риши керак бўлади.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва шурнат, ҳамжихатлик, бири-бирига ёрдам ва оила олдида барча аъзоларнинг масъулия-тилиги принципларига таяна-ди. Айна чоғда бола ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаган шахслар меҳна-тининг энг оғир шакллари-га йўл қўймаслик, оила аъзолари томонидан ўз ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширили-ши таъминланиши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонуннинг қабул қили-ниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги шакли сифатида оилавий тадбиркор-ликнинг янада ривожланиши ҳамда унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кен-гайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Феруза ИБРАТОВА,
Тошкент давлат юридик
институтини ўқитувчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма майдонларида транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, коммунал ва кичик бизнес вакиллари томонидан 1500 хилдан зиёд махсулотлар тақлиф этилмоқда. Шундан 72 хили жорий йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, импорт ўрнини босувчи махсулотлар сирасига кирди. Қурилиш санаотида талаб юқори бўлган сув ўтказмайдиган, чўкмайдиган қуруқ аралашма — шуплардан бири. У пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган “Elegon Elite Services” маъсуляти чекланган жамиятида тайёрланмоқда.

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

тармоқларо ва халқро кооперациялар ривожини таъминлайди

— Ушбу махсулотни Маҳаллийлаштириш дастури доирасида биринчи бўлиб бизнинг корхонамизда ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, — дейди жамият бош технологи Баҳром Қомилов. — У тўлиқ маҳаллий босмашдан тайёрланаётгани боис сифати юқори, нархи эса хорижийликдан анча арзон. Шунинг учун махсулотимизга талаб катта. Ярмарканинг биринчи кунидеёқ қўллаб буюртмалар қабул қилганимиз бунинг тасдиғидир.

Ярмарка иштирокчиларига уч кун давомида намоийш этилаётган махсулотлар билан яқиндан танишиш, йирик санаят корхоналарининг илгор тажрибаларини ўрганиш, энг асосийси, махсулот етказиб бериш ва сотиб олиш бўйича шартномалар имзолаш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу эса тармоқларо кооперациянинг янада ривожланишига, ҳам ашё, махсулот ва бутловчи буюмларни етказиб бериш бўйича узок муддатли ҳужжалик алоқаларининг мустаҳкамланишига, пировардида тармоқлар раванқига муносиб ҳисса қўшадиغان йирик келишув ва битимларга бой бўлишига хизмат қилади, албатта.

Санд **РАҲМОНОВ,**
Хасан **ПАЙДОВ** (сурат),
«Халқ сўзи» мухбири.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛИГИ

сайлов жараёнининг қонунчилигимиз талаблари асосида ўтказилишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Айна чоғда ишчи гуруҳларнинг самарали фаолият юри-тишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Сайловчи-ларга қулайликлар яратиш борасида ҳам бир қатор иш-лар амалга оширилди. Ушбу савб-ҳаракатлар самараси ўлароқ, сайловчиларимиз ва-киллари оқсоқол ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимла-рига энг муносиб номзодлар-ни очик ҳамда ошқоро тан-лаб олишмоқда.

Шу ўринда сайловчилар номзодларнинг шахси, касби, салоҳияти ҳамда улар томонидан илгари суриллаётган сайловолди дастурларига катта эътибор қаратаётгани-ни ҳам айтиб ўтиш зарур. Зеро, оқсоқол ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимла-рига сайланадиган фуқаро-нинг шахси, касби, малакаси ҳамда дастурларига илгари сураётган гўялари маҳалла ривож учун муҳим аҳамият-га эга. Шу боис сайловчилар номзодларнинг дастури билан танишиб чиқиб, кенг му-ҳокама этилмоқда.

— Маҳалланинг жамияти-миз ҳаётида тугган ўрни ва мақоми юксалиб боргани сари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ла-возимларига бўлган рақобат кучаймоқда, номзодларнинг

сайловолди дастурлари пухта-пишиқ бўлиб бораётган-ни кузатишмоқда. — дейди Т. Хожаназаров. — Дарҳақи-қат, номзодлар дастурларига да бутунг кунинг долзарб масалалари қамраб олинаёт-ти. Жумладан, уларда маҳал-ла худудини ободонлаш-тириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, унинг зона-вий меъморий қиёфасини яра-тиш, ёшларни барқамол авлод қилиб қамолга етказиш син-гари масалалар ечимиз ўз ак-сини топмоқда. Бу қанчадан-қанча долзарб масалалар жой-ларнинг ўзида ҳал этилади ва пировардида юртимиз бундан-да юксалади, дегандир.

Худудда сайловлар энди бошланди. Бу ижтимоий-сиё-сий тадбирини шу руҳда ўтка-зиш мақсадида тайёргарлик ишлари ҳам давом эттирил-моқда. Хусусан, сайловчилар-нинг фаоллигини оширишга қаратилган урчашув ва дав-ра суҳбатлари ташкил этила-япти. Зеро, пухта ҳозирлик, аҳоли фаоллиги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсо-қоллари) ва уларнинг масла-ҳатчилари сайловнинг қонунийлик ва демократик та-моийлар асосида ўтказили-ши учун замин ҳозирлайди.

Ҳидоят **АХМЕДОВ,**
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Биз бухгалтерия хисо-ботини автоматлаштиришга қаратилган махсулотларни яратишга мўлжалланган “БЕМ” лойиҳасини тақдим этиаямиз, — дейди мазкур лойиҳа раҳбарининг ўринбо-сари Бахтиёр Собиржонов. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси та-шаббуси билан ишлаб чиқил-ган мазкур лойиҳанинг аф-заллиги шундаки, у бухгал-терия ҳисоботларини тўғри юритиш, уларни солиқ идораларига электрон тарзда ет-казиш имконини бе-ради. Бу орқали ҳам ишнинг сифати таъ-минланади, ҳам вақтдан юталади. Дастур компакт-диска жойлашти-рилган бўлиб, фой-даланувчиларга алоҳида китобча шаклидаги йўриқно-ма ҳам тақдим эти-лади. Лойиҳамизни бошлаганимизга эн-дигина бир йил бўлди. Шунга қара-май, барча вилоят-ларда дастури-ми-здан кенг фойдаланишмоқда.

Ушбу кўргазма орқали янги шартномалар тузиш ниятида-миз. — Марказимиз турли соҳа ходимларини, дастурчиларни, ўқитувчи, талабаю ўқувчилар-ни, умуман, ахборот-комму-никация технологиялари бўйича билим олишни хоҳла-ганларни ўқитиш, шунингдек, дастурий воситалар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — дейди ТАТУ қошидаги

дастурларимиздан фойдала-нишмоқда. Бундан ташқари, интернетдаги Software.uz сай-тида миллий дастурий восита-лар каталоги мавжуд. У дасту-рий таъминот соҳасидаги лойи-ҳалар, махсулотлар ва дастур-чилар ҳамда батафсил маъ-лумот олиш имконини беради.

Кўргазма стендларида на-моийш этилаётган ҳар бир ишланма ана шундай қизи-қарли ва долзарблиги билан ташриф буюрганлар эътибо-рини тортмоқда. “Best Soft-uzbekistan — 2011” доираси-



мида синодан ўтказиб кўри-шади. Тизимнинг асосий аф-заллиги унинг соддалиги, фойдаланиш учун жуда қулай-лиги ҳамда тест вақтида қат-нашчилар сонидан қатъи на-зар, ҳар бир тест топширув-чи учун индивидуал тест ва-риантлари шакллантирилган-лигидир. Бугунги кунда 40 дан зиёд олий таълим муас-сасалари ҳамда 10 дан орт-ққ ташкилотларда бизнинг шу

Шавкат **ОРТИҚОВ,**
«Халқ сўзи» мухбири,
Бахтиёр **АКРАМОВ**
олган сурат.

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш жоизки, мустақиллик ту-файли барпо этилган ва “Сахро бағридаги мўъжиза” дея таъриф-ланган ана шу завод туфайли бу-тун бошли шаҳарча пайдо бўлди. Завод қурилиши билан бир пай-тинг ўзида шинам тураржойлар, савдо шохобчалари, хизмат ин-фратузилмалари, 624 ўқувчи-га мўлжалланган мактаб, 140 ўринли мактабгача тарбия муассасаси, шифохона, меҳмонхона, дам олиш маскани барпо этилди. Биринга 1997 йилда 143 та коттеж қури-либ, барча қулайликларга эга уй-лар калити завод ишчи-муъта-хисларига топширилди. Кейин-чалик эса беш гектар майдонни эгал-лаган сунъий йўл, ёшлар маркази барпо қилиниб, нефтни қайта иш-ловчилар учун зонанавий шарт-шароитлар яратилди. Эътиборли-си, бу ерда мустақиллик, Янги йил

ни завку шавққа тўлдирди, десак, янглишмаймиз. Корхона маъмури-яти аҳоли турли қатламнинг меҳ-нат бозорига ўз ўринларини то-пишларига, аниқроқ айтганда, янги иш ўринлари яратишга ҳам кенг эътибор қаратмоқда. Масалан, за-вод томонидан ташкил этилган ка-саначилик марказида 632 нафар ки-ши иш билан таъминланди. Бул-тун 26 турдаги махсулот ишлаб чи-қарилиб, шунинг ҳисобидан 94 миллион сўм фойда олинди. Жорий йил-нинг дастлабки чо-рагида эса завод қошидаги қасаначи-лар 357,4 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқаришига эришдилар. Завод дунёнинг машҳур “Honiwell” ком-панияси билан ҳамкорлик қилая-пти.

— Қорақўл туманида туғилганман, — дейди ўзини Алиакбар Рўзиев деб таништирган йи-гити. — Бухоро озиқ-овқат ва енгил санаот техно-логияси институтини нефть ва газни қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича ту-гатганман. Ҳозир заводнинг асосий техноло-гик ишлаб чиқариш цехи 4-бلكо қурилма бош-лиги ўринбосари вазифасида меҳнат қилаяман. Шу ерда ишлаётганимдан жуда мамнунман.

Дарҳақиқат, мустақиллик шаро-фати билан барпо этилган ушбу гигант корхона юзлаб ёшлар ҳаёти-

Фуқаролик жамияти институтлари: ТАРАҚҚИЁТ, ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик инсти-тути, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида “Мустақиллиқнинг 20 йиллиги: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институти тараққиётининг таҳлили ва истиқболлари” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Президентимизнинг Ўзе-кстон Республикаси парла-мент палаталари қўшма маж-лисидоги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-қаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси” маъ-рузасида таъкидлангандек, ҳозирги кунда фуқаролик жа-мияти институтлари демок-ратик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти асосла-рини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда, шундан келиб чиққан ҳолда, бугун юртимиз-да кучли давлатдан кучли фу-қаролик жамиятига ўтиш жа-раёни изчил ва тизимли ра-вишда амалга оширилаётган-ни, шу асосда фуқаролик институти, жумладан, но-давлат нотижорат ташкило-ларининг ҳуқуқ ва ваколатла-

рини янада кенгайтириш на-зарда тутилаётганлигига эътибор қаратилди. Бунда нодавлат нотижорат ташки-лотлари билан давлат ҳоки-

Семинар

мияти органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик қўла-ми ортиб бораётгани муҳим омил бўлаётди.

Маълумки, Концепцияда бу борада самардорлики оширишга хизмат қиладиган, амалдаги қонунларимизни янада такомиллаштириш ҳамда янги қонун лойиҳа-лари ишлаб чиқиш зарурати ҳақидаги гоя ва тақлифлар билдирилиб, вазифалар бел-гилаб берилган. Бу эса, ўз на-вбаатида, юртимизда де-мократик туб ўзгаришларни сифат жиҳатдан янги бос-

қиқча кўтаришга хизмат қи-лади. Тадбирда соҳадаги меъ-ёрий-ҳуқуқий асосни давр руҳи билан уйғунлаштириш, шу асосда демократик кадр-иятларни мустаҳкамлаш ва но-давлат нотижорат ташкило-тлари билан давлат ҳоки-мати омиш бўлаётди.

Шунингдек, фуқаролар-нинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда аниқ йўнал-тирилган ижтимоий масала-ларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини жорий этишда “учинчи сектор” ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги каби мавзулар ҳам муҳокама қилинди.

Семинарда қўриб чиқилган масала бўйича тақлиф ва та-всиялар билдирилди.

Абдурусул САТТОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирги кунда мамлакатимиз-да 11 мингдан орт-қ ахборот-кутубхона муассасала-ри фаолият юритмоқда. Улар томонидан 6 миллиондан зиёд аҳолига хизмат кўрса-ти келинаётир. Ахборот-ку-тубхона муассасаларидаги мавжуд 83,6 миллион адаби-ётларнинг 3,5 миллиондан ортиги электрон шаклдадир.

Мамлакатимизда ахборот-кутубхоналар фаолиятини за-монавий талаблар даражаси-да такомиллаштириш масала-си давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ўзбеки-стон Республикаси Президенти Ислам Қаримов жорий йилнинг 9 май кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий ку-тубхонасининг пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган янги биносида амалга ошири-лаётган ишлар билан таниши-ш жараёнида ишончини бугун ва келажак авлодларга намунали хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам қуриш бўйича тегишли тавсия ҳамда топшириқлар берди.

Ушбу тавсия ва топшириқ-лар ижросини таъминлаш мақсадида 10 май кунини Вазирлар Маҳкамасида Рес-публикада ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлашти-риш бўйича идораларо кен-гашининг навбатдаги маж-лиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Миллий кутуб-хонанинг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш вақтида Пре-зидентимиз томонидан бе-рилган топшириқлар ижроси-ни ташкил қилиш бўйича те-гишли вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Кенгаш маж-лисидо “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзе-кстон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашга оид чора-тадбирларда белгилан-ган вазифаларнинг ўз вақти-да ва сифатли бажарилиши-ни таъминлаш, Электрон ку-тубхоналарни шакллантириш ва ахборот-кутубхоналарнинг интеграциялашган тармоғини яратиш бўйича стандартлар-ни, босма нашрларни элект-рон шаклга ўтказиш жараё-

нида муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш бўйича меъ-ёрий ҳужжатларни ишлаб чи-қиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент ахборот техноло-гиялари университети ва Тошкент давлат маданият институтида ахборот-кутубхо-на соҳаси ходимлари мала-касини ошириш ва қайта тай-ёрлаш бўйича ўқув матери-яларини яратиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш бора-сида олиб борилаётган иш-лар, интеграциялашган ахбо-рот-кутубхона тармоғи фа-олиятини таъминловчи теле-коммуникация инфраузилма-сини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда ахборот-кутубхона ташкилотларини интеграция-лашган тармоққа босқичма-босқич улаш масалалари тўғрисида тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳисоботла-рини тингланди.

Мажлисида Идораларо кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎЗА).

ЁШЛАР КАМОЛОТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Шу кунларда мамлакатимизда энг улуг, энг азиз байрамимиз — давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Чунончи, Президентимиз қарори билан та-сдиқланган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” деган улуг ғояни ўзида мужассам эт-ган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурига мувофиқ, жорий йил 25 апрелдан 25 майгача жойларда “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзусида ойлик бўлиб ўтмоқда. Бу борада Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ва Сенати то-монидан тегишли тадбирлар ре-жаси тасдиқланган бўлиб, айна кунларда турли ташкилот ва ўқув муассасаларида фуқаролар ҳуқуқий мадани-ятини юксалтиришга қаратилган семинар, тре-нинг ҳамда анжуманлар ташкил этилаётди.

Хусусан, пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий мар-кази томонидан ўқувчи ҳамда ўқитувчи-педа-гоглар учун урчашув-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда алоҳида қайд этилганdek, жа-миятнинг демократия йўлидан жадал ривожла-ниши, айнқас, ислохотларнинг муваффақ-иятли рўёбга чиқарилиши, кўп жиҳатдан, одам-ларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даража-сига bogлиқ.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил эт-ади. Бугунги кунда юртимизда ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама қомил инсон си-фатида вояга етиши, айниқса, ўз иктидори-

ни, истеъдодини намоян этиши ҳамда замо-नावий касб-хунарларни эгаллаши учун барча қулайликлар яратилган. Айна пайтда орта-миз эгаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалти-риш, уларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалиётда қўллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда ёшлар учун яратилган имкониятлар, қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ҳалқро андозалар билан уй-ғун эканлиги алоҳида эътирфоз этилди. Чунончи, ёшлар, шу жум-ладан, болаларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини таъминлаш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва унинг иккита Фа-культатив протоколига қўшилди. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактика

Мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, хунарни санъат даражасига кўтарган иқтидор соҳибларини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай гамҳўрлик, ўз навбатида, хусусий бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик ривожига ҳам хизмат қилаётир.

да зардўзлик сирларини ҳам ўргатаёпти.

Усталар орасида темирчилик, мебелсозлик ва наққошлик билан шуғулланиб, фарзандлари ҳамда шогирдларига аждодлардан мерос хунар сирларини

япти. Уюшма аъзоси бўлганлигим учун солиқлар ва бошқа тўловлар борасида қатор имтиёزلарга эга бўлдим.

Энг муҳими, хунармандларга кўрсатилаётган бундай эътибор уларни астойдил ишлашга, бо-

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САЛОҲИЯТ

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ҳам соҳани тараккий эътиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгиланганидек, вилоятда “Хунарманд” уюшмасининг туман бўлимлари ташкил этилди. Хозир ушбу бўлимлар томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали янги иш ўринлари яратишга эришилаётир. Масалан, жорий йил бошидан буён то шу кунга қадар банклар томонидан аёллар тадбиркорлиги ва хунармандчилигини тараққий топтираш мақсадида 4,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Натига эса кутилганидек бўлди. Зеро, бугун ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ яратилган 1 минг 432 та иш ўрни оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик ҳиссасига тўри келмоқда.

— Уюшманинг Узун тумани бўлими ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди мазкур бўлим бошлиги Гулсара Халилова. — Жорий йилнинг биринчи чорағида 52 нафар хунарманд аъзоликка қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, солиқ имтиёзининг 2012 йил 1 апрелига қадар узайтирилганлиги уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Масалан, туманимизнинг Жончекка маҳалласида яшовчи Наргиза Алибоеванинг оила аъзолари миллий каштачилик ва тикуччилик билан шуғулланишаётир. Улар маҳаллада яшовчи ўнлаб хотин-қизларни меҳнатга жалб этишган. Янги куч маҳалласидан Зухра Халилова эса уйда миллий дўппилар тикиб, бозорга чиқармоқда. Яна бир хунарманд аёл — Мавлуда Абраева ёшлар тикуччилик билан бир қатор

ўргатаётганлар кўпчиликти ташкил этади.

— Хунармандларга берилган имтиёزلарнинг амал қилиш муддати 2012 йилга қадар узайтирилганлиги биз учун катта рағбат бўлди, — дейди Янги рўзгор маҳалласида яшовчи уста

дурадгор Аҳсам Аҳмадалиев. — Яқинда иш фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида ўн миллион сўмлик янги асбоб-ускуналар сотиб олдим. Эндиликда укаларим ва шогирдларим билан қишлоқларимизда қурилаётган намунавий уй-жойлар учун эшик-роғлар тайёрлаёламиз. Юртбошимиз томонидан яратиб берилётган шарт-шароитлар, имтиёзлар ишимизда кўл келаяпти.

зорларимизни сифатли уй-рўзгор буюмлари, қурилиш ашёлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Ота-боболаримиз хунарни эъзозлаб, эл орасида ҳурмат топдик, — дейди Муродулло Тўрақул. — Бугунги кунда темирчилик, тунукасозликка эҳтиёж катта. Қўллаб-ўстириш билан бир қаторда деҳқонлар учун кетмон, белкуррак ва бошқа иш қуролларини ҳам ясаёламиз. Меҳнатларимиз ҳам муносиб қадрини топмоқда. Хусусан, “Ташаббус—2011” кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, ясаган буюмларимни кўргазмада намоиш этдим ва танловда “Энг яхши хунарманд” номинацияси бўйича ғолиб бўлдим.

Хунарманд “Ёшларга бебаҳо миллий қадриятларимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтирсам, шогирдларим хунаридан бахт топса”, дейди. Энг муҳими, касб-корли инсоннинг эл-юртга нафи кўпроқ тегишини англаган навқирон шогирдлар ҳам ота-боболаримизнинг эзгу юмушларини давом эттириб, қўлигул уста сифатида элга танилиш чинакам бахт эканлигини тобора чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Семинар

Фаргона вилоятида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга қўлай шарт-шароит яратиш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунириш мақсадида амалий семинар ўтказилди.

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Унда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, семинарда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибларини янада содалаштириш, улар олдида турган баъзи муаммоларни ҳал этишда ишбилармонларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида сўз борди.

Республика Адлия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги мутахассислари тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Микрокредитбанк»:

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАДАДКОРИ



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг алоҳида ўрни бор. Чунки ўз бизнесини йўлга қўймоқчи ёки фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган ишбилармонларнинг аксарияти мазкур молия муассасасининг кўмагига суяниб, катта муваффақиятларга эришмоқда. Буни банкининг Чуст тумани филиали мижозлари фаолиятида яққол кузатиш мумкин.

“Умид Феруза” хусусий корхонаси раҳбари Улуғбек Валижонов кўндал буён томёнкӣ материали ишлаб чиқариш бўйича лойиҳасини амалга оширишни мақсад қилиб юрарди. Бироқ технологик линияни сотиб олиб, ишни бошлаш учун нақд 20 миллион сўм керак экан. Ис-

— Мижозларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам туфайли тадбиркорлик ҳаракати жадал ривожланиб, аҳоли бандлиги таъминланаёпти, — дейди филиал бошқарувчиси Нодирбек Аралов. — Чунки хизмат кўрсатиш учун нафақат туман маркази, балки чекка қишлоқларда-

Молия муассасаларида

тиқболли лойиҳа билан таъинланган филиалнинг кредит бўлими мутахассислари икки йилда қайтариш шарты билан зарур маблағни ажратишган, тадбиркор 18 нафар йигит-қиз иштирокида замонавий қурилиш маҳсулотлари тайёрлашни бошлаб юборди.

Туман марказидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи Соибжон Шариповнинг янги технологик линия харид қилишида ҳам банкининг молиявий ёрдами кўл келди. Айни пайтда унинг 40 миллион сўмлик кредит ҳисобига ташкил этилган макарон тайёрлаш цехида 22 киши 8 турдаги маҳсулотни ишлаб чиқараёпти.

Тадбиркорлик соҳасида унча катта бўлмаган лойиҳаларга кўл урган кўплаб фуқаролар ҳам банкининг микрокредитларидан фойдаланишни афзал кўришмоқда. Масалан, яқка тартибда фаолият кўрсатаётган Гулноза Исқандарова молия муассасасининг 2 миллион сўм миқдоридagi кредити ёрдамида боғдорчиликни йўлга қўйган бўлса, Аскар Абровов эса шунча миқдордаги кредит билан дуррадгорлик устахонасини ишга туширди.

ги маҳалла ва оилаларга ҳам кириб боришга ҳаракат қилаёламиз. Бу, ўз навбатида, олис ҳудудларда замонавий хизмат тармоқларини ташкил этиш, оилавий бизнесни кенгайтириш, пировардида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Жумладан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг биринчи чорағида мижозларимизнинг 56 та лойиҳаси қўллаб-қувватланиб, 370 миллион сўмликка яқин кредит ажратилди. Бунинг натижасида 11 субъект ўз фаолиятини бошлади, яратилган иш ўринлари эса 68 тани ташкил этди.

Дарҳақиқат, “Микрокредитбанк”нинг туман филиали хизматидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг сони тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, шу йил бошидан буён уларнинг сафи 41 тага кенгайиб, 480 тага етди. Бу жараёнда тадбиркор аёллар салмоқли ўринини эгаллаётгани, айниқирса, қувонарлиқдир. Банк уларнинг чинакам молиявий кўмакчисига айланиб, йил бошидан буён 18 нафар тадбиркор аёлга 81,1 миллион сўмлик кредит ажратгани шундан далolat беради.

Мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида иқтисодийёт таянчига айланган мазкур соҳа тараққиётда, айтиш мумкинки, янги босқич бошланди. Ушбу йилда рўёбга чиқариладиган улкан тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури ижросида молиявий муассасалар, жумладан, “Микрокредитбанк”нинг Чуст тумани филиали жамоаси ҳам фаол иштирок этавермади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ. [1]

Маҳаллий хом ашёдан 5 хил маҳсулот

Кизилтепа туманининг “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида “Асл пойабзал” хусусий корхонаси иш бошлади.

Изланиш

Эркақлар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор Меҳриддин Яхшиев томонидан 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Натигада бу ерда қарий 10 га яқин иш ўринлари яратилиб, кунига 40 дона сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Хозир корхонада маҳаллий хом ашёдан 5 турдаги оёқ кийимлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Азамат САФАРОВ.

Барча вазирликлар, давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристрлар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда

барча вазирликлар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш kursi ташкил қилинмоқда.

Мазкур курсда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- меҳнатга ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- меҳнат ресурсларини бошқариш тизими;
- кадрлар билан ишлаш тизими;
- меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби;
- меҳнат қонунчилигининг амалиётда қўлланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлили;
- меҳнатга оид низоли ишларнинг судда қўрилиши;
- ходимларни бошқариш стратегияси, ташкилотни бошқариш стратегияси. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Кадрлар билан ишлашнинг психологик аспекти ҳақида.

Ўқитиш муддати 1 ҳафтадан иборат бўлиб, шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади. Шартнома суммаси бир кишига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдоридa белгиланган.

Тингловчилар тарқатма материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари ва қўланмалар билан таъминланади. Малака ошириш курси яқини бўйича сертификат берилди.

Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристрлар малакасини ошириш марказига (телефонлар: (8-371) 232-19-65, 236-79-64) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (8-371) 239-41-13, 239-45-79) мурожаат қилиш мумкин.

www.ogu2011.com
www.oilgas.uz
2011 йил 17-19 май
Ўзбекистон, Тошкент, «Ўзэкспомарказ»
15-Юбилей халқаро кўргазма ва конференция
НЕФТЬ ва ГАЗ



Организатор: ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100000, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-«А» уй.
Тел.: (+998 71) 113-01-80, факс: (+998 71) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

ҲУРАМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикаимизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қўлай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг **ЖУМА** куни «Тадбиркорлар куни» («Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг **ЖУМА** куни соат **9.00** дан **13.00** гача республикаимиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳоқимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан қўриб чиқилиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
(8-371) 150-60-06, 150-60-05;
(8-800) 120-04-04 (ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат уй телефонларидан амалга оширилиши мумкин).
E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

IGEX Talaris (DeLaRue) компаниясининг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютори «IGEX ASIA» МЧЖ

Тошкентдаги омордан пул ўтказиш йўли билан **БАНК ЖИҲОЗЛАРИНИ** тақлиф этади.

Жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг **ПУЛ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ**
Talaris EV 8626 (Англия),
Talaris (DeLaRue) EV 6850 (Англия),
Laurel J-700 (Япония)

ва **ВАЛЮТА ДЕТЕКТОРЛАРИ.**
Баҳоси — бозорниқидан арзон.

Шунингдек, барча турдаги банк жиҳозларини таъмирлаймиз ва техник хизмат кўрсатамиз.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзил: Ўзбекистон, 100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 24-уй. Телефон: (+998-97) 771-38-75. Тел./факс: (+998-71) 281-46-38, 281-46-10.

ACCENT



КАФОЛАТ — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«КЧМ» ЧҮЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

Табий газ, қуруқ ва суяқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. **ФИК 79% дан 90% гача.**

Шунингдек: **КАФЕЛЬ** (девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлвочгилар)
ЧҮЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ
Тел./факс: **267-35-73.**
Савдо шохобчаси — Уста Ширийн к.125, қурилиш бозори ичидa №127.
zakamsk-group@mail.ru

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳоқимлиги томонидан «ART-ZAMAN» мастуэляти чекланган жамиятига 2005 йил 20 май рестидаги 000786-09 № 000786 тартип рақами билан берилган давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳномаинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Маҳалла” хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Маҳалла” газетаси бош муҳаррири Б. Абдусатторовга отаси Абдужаббор АБДУСАТТОРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия иъзор этади.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда ўн учинчи бор умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Зеро, хотира муқаддас туйғу, тугалланмаган мангу китоб, инсон қавмини мингйилликлар билан туташтирувчи муқаддас кўприк, авлоддан-авлодга ўтувчи ҳаёт гулидир. У кўнглимиздаги кечинмалар, болалигимиз, ёшлигимиз хотиралари, ҳаёт йўлимизда чиқоқ тугган боболар, оталар, ёши улуғларнинг қиёфалари — нузли суратлар каби сира ўчмайди. Тунлари ўша суратлардан бири тушимизга киради, биз билан суҳбатлашади. Уйғониб, яна вақт чархпалагини ортга суриб, хаёлан уларнинг ёнига қайтамыз.

УЛУҒЛИКНИНГ ЮКСАК МАҚОМИ

Инсон ўтмишни эслаб турса, адашмайди. Кимлигини билади. Шунинг учун ҳам кексаларимиз ўзаро суҳбатларда етти пуштингизни сўраб қолишади. Ҳурмат юзасидан, отангиз, бобонгиз, бобонгизнинг падеари бузруквори исмини, касб-корини айтасиз. Аждодларингизни билганингиз, унутмаганлигингиз уларга қувонч бахш этади.

Бинобарин, Хотира, бу — унутмаслик, деганидир. Сохибқирон Амир Темир ҳам сўзини "Бизким..." дея ўз Ватанини, халқини, аждодларимиз ҳурматини бажо этиш билан бошлаган. Ўз навбатида, Мирзо Улуғбек ҳам, шоир ва саркарда Бобур ҳам, шоирлар султони Алишер Навоий ҳам аждодлар руҳига муносиб, буюк ишларнинг давомчиси бўлишга интилганлар.

Шунинг билан бирга, хотира тириклик чашмасидир. Ундан имон-этиқод билан сув ичганлар авлоди кудратли ва салоҳиятли бўлади.

"Тарихий хотира — бу аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги вори-сийлик туйғусини англаш

демақдир", деди давлатимиз раҳбари куни кеча нишонланган умумхалқ байрамида.

Ҳақиқатан ҳам, биз кимнинг авлодимиз, деган саволга фахр билан жавоб қайтариш камдан-кам халққа насиб қилган бахт. Биз шу маънода бахтли халқимиз. Ер юзиде қазилма бойликлари, денгизлари, осмонлар тоғлари, тўрт тарафида беҳисоб моддий хазиналари мавжуд ўлкалар бор. Бизда эса ундан-да бебаҳо неъмат — буюк аждодларимизнинг нодир тафаккур хазиналари зиё сочиб турибди.

Маълумки, Истиқлол ўзлгимизга қайтиш, қайтганда ҳам гурур билан, шан ва ор-номус билан қайтиш имконини берди. Хотирамизга кўйилган пардаларни узиб ташлади. Ўтмишимиз билан юзма-юз бўлди. Руҳимизга қувват инди. Тарихий сабоқлардан ҳулоса чиқариб, бугунги тинч, осуда, эркин ҳаётга осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан туш-

магани, қандай оғир машаққат билан кўлга киритилганини эслашга, теран ҳис этишга жазм қилдик.

Хотира ва Қадр — эгиз тушунчалар. Инсон қадри билан азиз. "Вафо қилсанг жафо топасан", дейди халқимиз. Вафодорлик, ҳамдамлик, ҳамнафаслик — қадим урфимиз, одатимиз. Эҳтиёжмандларни сийлаш, кексаларни алқаш, беморлар ҳолидан хабар олиш, қавму қариндошга, маҳаллага, умуман, инсон зотиға меҳр ва муҳаббат билан эътибор бериш — вафодорлигимиз тамали, яхши амалларимиз тождир.

"Қадрингни бил, қадрини бил". Ҳар бир эзгуликни Аммо... ёддан чиқармайлик, Хотира ва Қадрнинг мазмуни фақат шулардангина иборат эмас. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги нотинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, хушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади".

Абдували ҚУТБИДИНОВ, шарҳловчи.

ана шу мезон билан ўлча-га интилган аждодларимиздан қабул қилиб олган туморимиз шу. Уни биз ниҳоятда эъзозлаб "Қадр" деймиз. Зотан, қадрда бағрикенглик, олижаноблик, ҳалол муносабатлар ҳалқаси мавжуд.

Не бахти, Президентимиз ташаббуси билан ўн икки йил олдин солномага киритилган "Хотира ва қадрлаш куни" чуқур мазмун-моҳияти билан улуғликнинг юксак мақомига муносиб бўлишга барчамизни ундаб келмоқда.

Шундан буён эл-юрт тинчлиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар халқимиз ардоғида, ҳаёт-мамат жангларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан қийинчиликларни енган момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамизга айланган. Даҳшатли уруш азобларини чеккан боболаримиз, момоларимиз, меҳнат фахрийлари юксак ғамхўрлик ва эҳтиром оғушида. Биз ўзимизнинг маънавий бутунлигимизни яққол намойиш этмоқдамиз, асрий қадриятларимиз, улуғ фазилатларимизни янгича мазмун билан бойити олганлигимиздан завқ ва сурур туймоқдамиз.

Мазкур мусобақада 149 та давлатдан 1037 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси тўлиқ таркибда, яъни ўн учта вазн тоифасида қатнашди. Қизиқarli ҳафта мурасимиз кечган беллашувларда терма жамоамиз аъзоси, бир қатор халқро турнирлар ғолиби Акмал Эргашев (+87 кг.) муваффақиятли иштирок этди. Мусобақа давомида бир қатор номдор рақиблар, жумладан, ярим финалда кипрлик Андريس Стайлиноуни 10-4 ҳисоби-

«ШУНҚОРЛАР» БАҲСИ

Жиззах вилоятининг Фориш туманида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 та жамоа иштирок этди. Улар саф-

да юриш, саф кўшиги, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлик, мерганлик, фуқаро муҳофазаси ва тезкор тиббий ёрдам каби 15 та шарт бўйича куч синашди. Мусобақаларда ҳар бир тур бўйича жамоаларнинг элчилиги, руҳий-маънавий баркамоллиги ҳамда жисмоний тайёргарлиги кўридан ўтказилди.

— «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди "Камолот" ёшлар

ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими Кенгаши раиси Ёркин Бахритдинов, — Ватан ҳимоясини ўзининг бурчи деб биладиган, эл-юрт тинчлигини сақлашга қодир мард ва жасур ўғлонларимизнинг шижоатини яна бир бор ситновдан ўтказиш, қолаверса, миллий армиямиз сафларига ҳар жиҳатдан етук аскарларни етказиб беришдан иборат.

Мусобақа натижаларига кўра, Наманган вилояти вакиллари биринчи, навоийликлар иккинчи, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари жамоалари эса учинчи ўриндан жой олишди.

Ғолибларга ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

АКМАЛ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Жорий йилнинг 1 — 6 май кунлари Жанубий Корейнинг Кёнжу шаҳрида таэквондонинг Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ВТФ йўналиши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада 149 та давлатдан 1037 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси тўлиқ таркибда, яъни ўн учта вазн тоифасида қатнашди. Қизиқarli ҳафта мурасимиз кечган беллашувларда терма жамоамиз аъзоси, бир қатор халқро турнирлар ғолиби Акмал Эргашев (+87 кг.) муваффақиятли иштирок этди. Мусобақа давомида бир қатор номдор рақиблар, жумладан, ярим финалда кипрлик Андريس Стайлиноуни 10-4 ҳисоби-

да мағлубиятга учратган спортчимиз кескин курашлар остида ўтган ҳал қилувчи баҳсда мезонлар вакили Жо Чол Хога имкониятни бой бериб, кумуш медални кўлга киритди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур жаҳон чемпионатида терма жамоамиз мураббийлари, асосан, ёш спортчиларни синовдан ўтказишди. Гарчи Гузал Норбўтаева, Никита Рафаилович, Зайнобиддин Назаралиев сингари номдор таэквондочиларимиз совриндорлар сафидан жой олмаган бўлсалар-да, ўз иштироклари билан мухли-

су мутахассисларда илиқ таассурот қолдирдилар.

Шунингдек, нуфузли турнир доирасида Бутунжаҳон таэквондо федерациясининг 22-Бош Ассамблеяси ҳам бўлиб ўтди. Унда мазкур спорт турини оммалаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Олимпиада ўйинларига йўланма берувчи турнирларни юқори савияда ташкил этиш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

ОБ-ҲАВО (12 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Харорат кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Кашкадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Харорат тунда 12-14, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

очик акциядорлик жамияти жамоаси металлургия қайтиш қабиналари ва фойдалани қазилмаларни қазиб чиқарувчи ҳамда қайта ишловчи корхоналарнинг жамоаларини яқинлашиб келаётган касб байрами —

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни билан самимий қутлайди!

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби улуғвор вазифаларни амалга оширишга соҳа ходимлари ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшаётгани қувонарлидир.

Шундай ақсойиб кунларда баргана сижат-саломатлик, хонадонларига файзу барақа, она-дўғимиз равнақи йўридаги меҳнатларида улкан Зафарлар тилаймиз!



Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпиев. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5